

« MUSTAQIL-M »

маъсулияти чекланган жамият шаклидаги
аудиторлик ташкилоти

Манзил: 100059, O'zbekiston Toshkent sh.M.Ulugbek ko'chasi 128 uy
Тел, телеграм +998 99 307 03 84, 99 997 85 17 инн 202190787

Мустакил аудиторлик хулосаси.

Буюртмачи: "QOQON YOG' MOY " акциядорлик жамияти таъсисчилари ва бошқарувига..

Манзили: Кукон ш Мовароуннахр 84 уй, АТБ "Инвест Финансбанк"

x/p 20208000800228347001, МФО 01016, ИНН 200918299.

"QOQON YOG' MOY " акциядорлик жамиятининг 2022 йил

молиявий ҳисоботлар аудити натижалари бўйича.

Фикр;

Биз, "QOQON YOG' MOY " акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМА)га мувофиқ 2022 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган 1 шакл «Бухгалтерия баланси», 2 шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» ва мазкур ҳисоботларни изоҳловчи бошқа маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, "QOQON YOG' MOY " акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр санасига тузилган ҳисобот йилининг молиявий ҳисоботлари унинг молиявий ҳолатини конунчиликга мувофиқ, барча муҳим жиҳатлари бўйича ҳаққоний акс эттиради.

Фикр билдириш учун асослар;

Биз аудитни аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Фикримизча, биз томонимиздан аудиторлик текшириши учун олинган аудиторлик далиллари фикримизни асосли бўлиши учун етарли ва мос келади.

Аудитнинг муҳим масалалари;

Аудитнинг муҳим масалалари- бу, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Бошқа маълумотлар учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг молиявий ҳисоботлар ҳақидаги фикримиз бошқа маълумотларга таалуқли эмас ва биз бошқа маълумотлар бўйича ҳеч қандай ишончли хулосасини билдирмаймиз.

Бирок молиявий ҳисоботлар аудитига боглик бошқа маълумотлар билан танишиш ва шу билан бирга, бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар ўртасида жиддий номутоносибликлар бор-йўқлигини аудит давомида олинган бошқа маълумотлар асосида узимизнинг билим ва тажрибамиз доирасида кўриб чиқишни ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

Агар биз бажараётган аудит жараёнида тушлаган маълумотларга асосланиб бундай бошқа маълумотлар жиддий нотўғри маълумотларни ўз ичига олади деган хулосага келсак биз бу фикрни хабар қилишимиз керак булиб, текширув жараёнида мазкур хулосамизда акс эттириш лозим бўлган ҳолатни аниқламадик.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ёки бошқарув жавобгарлиги;

"QOQON YOG' MOY " акциядорлик жамияти ва унинг бошқаруви мазкур молиявий ҳисоботларни қонунчиликка мувофиқ, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли холда тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги;

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ошкораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун аудиторлик процедураларини бажаришни ўз ичига олади. Аудиторлик процедураларини танлаш бизнинг фикримизга боғлиқ бўлиб, у фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши хавфини баҳолашга асосланади. Ушбу хавфни баҳолаш жараёнида биз топшириқ учун тегишли аудит процедураларини танлаш учун ишончли молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминлайдиган ички назорат тизимини кўриб чиқдик. Аудит, шунингдек, қўлланилган ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлигини ва текширилаётган корхона раҳбарияти томонидан олинган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек, умуман молиявий ҳисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз, шунингдек, корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилганликлари тўғрисида баёнот берамиз ва аудит ҳисоботи ва хулоса ҳолисона тайёрланганлигини баён этамиз.

МЧЖ "МУСТАҚИЛ-М"
аудиторлик ташкилоти раҳбари :

НазаровМ.

(*Аудитор малака сертификати*
15.12.2022 йилда №03068 ҳамда САР халқаро сертификати)

30 май 2023 йил.

